

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН. 7 апрель 1971 йил, чоршанба № 79 (14.949). Баҳоси 3 тийин.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди 6 апрелда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишви давом эттирди.

Эрталабки мажлисда съезд делегатлари ва меҳмонлари томонидан қизгин кутиб олинган СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИН СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилга беш йиллик ва икки йиллик планларидан тўғрисида доклад қилди.

Кечқурунги мажлисда съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилга беш йиллик ва икки йиллик планларидан тўғрисида доклад қилди.

Мажлисда Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, Ленинград шаҳридаги Киров заводининг саякатчиси Е. И. ЛЕВБЕДЕВ, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. И. ШИВАЕВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган чет эл коммунистик ва миллий-демократик партияларининг вакиллари: немис Коммунистик партиясининг раиси КУРТ БАХМАН, Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ХОРХЕ дель ПРАДО, Испания Коммунистик партиясининг раиси ДОЛОРЕС ИВАРРУРИ,

Дания Коммунистик партиясининг раиси КНУД ЕСПЕРСЕН, Сурия араб социалистик уйғонш партияси раҳбарлигининг аъзоси МУҲАММАД ЖАБЕР БАЖБУЖ, Гвинея демократик партияси миллий сиёсий бюросининг аъзоси ЛАНСАНА ДИАНЕ ўртоқлар съездни табриқладилар.

КПСС XXIV съезди ишлаб турган ҳамма кунларда унинг номига мамлакатнинг барча томонларидан минг-минглаб хат ва телеграммалар кетма-кет келиб турибди. Бу хат ва телеграммаларда саноат корхоналари, қурилишлар, қолхоз ва совхозларнинг, Совет Армияси ва Флотий жаңгиларнинг, илмий муассасалар ва иқтисодий ташкилотларнинг, комсомоллар, ёшларнинг коллективлари, Ватанимиз меҳнаткашлари кутловлар, табриқлар ва меҳнат рапортлари йўлмоқдалар.

ДЕНОВЛИКЛАР ЮТУҒИ

Денов районининг пахтакорлари партиянинг XXIV съездини зарбдор меҳнат билан ишончлиқ билан қўллашди. Район далаларида 300 дан ортиқ экин агрегати ишлаб турибди, «8 март» ва «Қизил Октябрь» қолхозларининг меҳнатчилари съезд шарафига бошланган мусобақада олдинда бормоқдалар. Улар Сурхондарёда биринчи бўлиб баҳорги экинни тугатганликлари тўғрисида галаба рапорти бердилар.

ТЕЗ ВА СИФАТЛИ

Оққўрғон районининг азамат пахтакорлари бу йил ҳам пахтадан юқори ҳосил олишга бел бошлашган. Шунинг учун ҳам улар чигитни тез ва сифатли экишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Кечганича улар чигит экиб бўлганликлари ҳақида галаба рапортини бердилар. Бир қанча участкаларда чигит қийғос униб чиқди.



Москва. Кремлдаги Съездлар саройи. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездини мажлисда.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамаати ўз сафларида тўрт ярим миллион кишини бириктириб турибди. Бу жамаатнинг активлари санитария-гигиена билмиларини пропаганда қилиш соҳасида катта ва хилма-хил ишлари қилмоқдалар, медицина ходимлари билан биргаликда меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлиги посбиллигида тирибдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИГА ҲИСБОТ ДОКЛАДИ ҲАМ УЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездида КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил 30 мартда Кремлнинг Съездлар саройида қилган ҳисобот докладини ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб чиқарди. Китобча оммавий нусخада нашр этилди. (ЎЗТАГ).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИНнинг 1971 йил 6 апрелдаги доклади

Делегат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик ва икки йиллик планларидан тўғрисида доклад қилди. Бу ҳужжатда КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари ишлаб чиққан иқтисодий сиёсати тагин ҳам ривожлантирилади. Партиянинг иқтисодий сиёсати коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи вазибаларини ва уларни ҳал этиш йўлларини белгилаб берилади.

Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев томонидан қилingan Ҳисобот докладида XXIII съезддан кейин партия тўплаган тақриб ҳар томонлама умумлаштирилган ва партиянинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий сиёсатига оид асосий масалалар баён қилиб берилди. Доклада халқаро ва ички аҳвол марксча-ленинча чўқур анализ қилиб берилди, партия ички ҳаёти масалалари, шунингдек, жаҳон социализм системасини тагин ҳам мустақамлаш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ривожлантириш ҳамда партиянинг бошқа мамлакатлар қардош партиялари билан дўстона алоқаларини мустақамлаш вазибалари кўриб чиқилди.

I. САККИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ

Делегат ўртоқлар, саккизинчи беш йиллик планнинг бажарилиши асосий якунларини ҳамда ана шу давр ичида эконоамик ҳаётда содир бўлган ўзгаришларни маълум қилишга иккилат этгайиз.

Table with 2 columns: 1970 йил 1965 йилга нисбатан процент ҳисоби, 1970 йил 1965 йилга нисбатан абсолют рақамлар

Ҳисобидан аҳолига бериладиган тўловлар ва имтиёзлар қамда 140 153 Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар тахминан 130 133

Table with 4 columns: 1966—1970 йиллар мобайнида ҳар йили ўртача етиштирилган ишонч ҳўжалик маҳсулоти — миллион тонна, 1966—1970 йиллар мобайнида ҳар йили ўртача етиштирилган ишонч ҳўжалик маҳсулоти — миллион тонна

Шу маълумотлар беш йиллик планни бажариш ишида ачча катта ютуқларга эришилганлигини далолат беради.

II. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА

Table with 4 columns: Саноат маҳсулоти — жами, Шу жумладан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, Капитал мабағлар ҳажми (олдинги беш йилликдаги нисбатан беш йиллик мобайнидаги умумий ҳажми процент ҳисобида), Транспорт барча турларининг юк обороти, Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти қаманда, Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи қаманда, Қолхозчиларнинг қолхоз жамоат хўжалигидан оладиган ўртача ойлик пуд ва натура шаклидаги даромадлари, Иқтисодий истеъмол фондлари

Иқтисодий ривожланиш соҳасида — саккизинчи беш йиллик планнинг бажарилиши халқ ҳўжалиги янада юқори роқ поғонага кўтарди. «Фан-техника» тараққиёт этириш, ишлаб чиқариш устидаги ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари жадаллаштирилди. Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самардорлиги ошди, халқ хўжалигининг тармоқ структураси яхшиланди, мамлакат буюми эконоамиксининг тагин ҳам юксалиши учун шароит яратиб берилди.

Саноат соҳада — аҳолининг моддий фаровонлиги ва турмушининг маданий янраши ошди, ишчилар ва қолхозчиларнинг профессионал-техник тайёргарлиги яхшиланди. Худди аввалгидек мамлакатда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми иш билан тўла таъминланди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни чадам бақдам бартараб эта бориш каби туб соғил вазибаларни ҳал қилиш соҳасида муҳим ишлар қилинди.

Делегат ўртоқлар, кўриб турибсизки, жамаатимиз тараққиётининг барча соҳаларида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Жамаатимиз тагин ҳам унун тараққиёт жиҳатдан бир хил, янса ва кудратли бўлиб қолди.

Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг белгилашган ўсиши, мамлакат ҳақида катта-катта социал тадбирларни амалга ошириш учун, равшанлик катта маблаглар зарур бўлди. Совет давлати бу маблагларни оладиган бирда бир мабса меҳнаткашлар яратадиган миллий даромад бўлиб келиб ва шундай бўлиб қолди. Шу сабабли миллий даромаднинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Ет

тинчи беш йилликда миллий даромад 32 процент ётан бўлса, саккизинчи беш йилликда 41 процент ўсди.

Миллий даромаднинг тақсимлашда нисбатлар ҳам ўзгарди. Еттинчи беш йилликда ва ундан олдинги ҳамма беш йилликларда (урўшдан кейинги биринчи беш йиллик булдан мустасно) жамағарин фонднинг ўсиш суръатлари истеъмол фонднинг ўсиш суръатларидан анча жадалроқ бўлди. Саккизинчи беш йиллик планда ана шу суръатлари бир-бирига яқинлаштириш кўзда тутилган эди. Бу амалга оширилди. Истеъмол фонднинг ўсиш еттинчи беш йилликда 31,4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, саккизинчи беш йилликда 56,8 миллиард сўмдан иборат бўлди, яъни жамағарин фонднинг ўсиб бориши билан бир вақтда деярли икки баравар ошди. Шундай қилиб, ривожланган социалистик жамағарин шариотда халқ хўжалигини жадал ривожлантириш билан бир вақтда халқнинг турмуш даражаси ҳам тез ўсиб боради. Бу социалистик ишлаб чиқариш усулининг табиатдан келиб чиқди. Социалистик ишлаб чиқариш усули маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни меҳнат маҳсулотидан маҳрум этишга, меҳнаткашлар ишлаб чиқариш фаолиятининг натажаларини эксплуататор синфларнинг ўзлаштиришига абадий барҳам берилади.

Миллий даромаднинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш ва уни мамлакатнинг қудратини мустақамлаш ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш мақсадларини қўзлаб тўғри тақсимлаш — бизнинг планлаштиришимизнинг туб проблемасидир. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат халқ хўжалик планларини ва давлат бюджетларини тузиб чиқиш вақтида ишлаб чиқаришнинг ҳажмин белгилаш масалаларини ҳамда миллий даромад тақсимлаш масалаларини ҳар йили муҳокама қилиб туришлар, бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида ва СССР Олий Советининг сессияларида муҳокама қилиниб турди.

Хўш, ўтағ беш йиллик ичида олтинчи миллий даромаддан қандай фойдаландимиз?

Сўнги беш йил мобайнида миллий даромаднинг умумий ҳажми жуда катта сумманга — 1 триллион 166 миллиард сўмни ташкил этди. Бу рақамнинг нақадар катта эканлигини дасавуур қилиш учун миллий даромаднинг умумий ҳажми еттинчи беш йилликда (1961—1965 йиллар) 840 миллиард сўмдан иборат бўлганлигини, урушдан олдинги беш йил (1936—1940 йиллар) мобайнида эса 154 миллиард сўмдангина (бу маълумотларнинг ҳаммаси 1965 йилги қиссий нарҳларда олинган) иборат бўлганлигини эслатиб ўтаман.

Саккизинчи беш йиллик ичида яратилган миллий даромаднинг қарийб тўртдан уч қисми истеъмолга сарфланган. Чўночи, ишлаб чиқариш доирасидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳамда қолхозчиларнинг даромадларидан 518 миллиард сўмни меҳнаткашлар ва уларнинг oilалари истеъмолга сарфладилар.

(Давоми иккинчи бетда.)









